



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 ноябр, чоршанба №183 (1400)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАЛЛИ РАИСЛАР

Навий шахрида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари шахар, туман кўмиталари раислари ўртасида «Балли раислар» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танловда раислар Ўзбекистон Республикаси қонунларини ўрганиш, тармоқ соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги билими, бу борада олиб бораётган ишлари, иккинчи истеъдодлари ва эркин мавзулардаги маҳоратларини намойиш этди.

Танлов якунига кўра Навий шахар кўмитаси раиси Н.Баҳромов биринчи ўринни эгаллади. Фолибларга вилоят таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА).

Бир фармон шарофати

БУ ЙЎЛЛАР, ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

Президентимизнинг Автомобил транспорти соҳасини монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисидаги 2001 йил 4 июндаги Фармонида автомобил транспортида бозор муносабатларини шакллантириш ва транспорт хизматида рақобат муҳитини яратиш, бошқарув тизимини шакллантириш вазибалари белгилаб берилган.

Қашқадарё йўллари... Чексиз ва бепоян. Бир томони Бухоро кумликларидан Туркменистон чўлларига қадар, бир учи Самарқанд паст текисликларидан Тахтақорча довомига чўзилган. Ҳисор тоғларидан бошланган сўқмоқлар, юсак қоялар оша Тожикистон сарҳадларига олиб боради.

Вилоят автотранспортчилари Юртбошимизнинг ана шу Фармони асосида мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобил ташувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, транспортни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тадбирларини белгилади.

Бугунги кунда воҳа шахар ва қишлоқларида йирик корхона, иншоотлар қурилаётгани, агроиқтисодиётнинг равнақ топаётганилиги, аҳоли сони ўсиб бораётганилиги тармоқда хизматлар кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

«Қашқадарётранс» уюшмаси раиси Талиб Холиқовни доимо иш жараёнида учратасиз. Тиниб-тинчимас раҳбар қурилиш майдонлари, тоғ йўлларида, автобуслар хизмат қилаётган иншоотларда бўлади. Ҳақиқий аҳвол билан танишиб, бюртмачилар ва ҳайдовчилар билан суҳбатлашади. Иш кўламини ва ҳажминини ошириш чораларини кўради.

Яқинда вилоят автотранспортини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшган Эшмурод Болтаев ва Патто Абдурахмоновлар билан суҳбатлашиб қолдик. Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқни бошқариш анча мураккаблашганлиги, эҳтиёт қисмлар қимматлашиб, йўловчилар ва юк ташув йўналишларининг кенгайганлигига қарамай вилоят транспортида сифат ўзгаришлари бўлаётганлигини меҳнат фахрийлари мамнулик билан таъкидладилар.

Айни пайтда уюшмамизга аъзо корхоналар сони 24 тани ташкил этади, — дейди биз билан суҳбатда

раис. — Тармоқда 2381 та транспорт воситалари бор. Шундан 1368 таси юк ташувчи, 155 таси енгил автомобиллар, 858 таси автобуслардир. Автокорхоналарда 4,5 минг нафар ҳайдовчилар, инженер-техник ходимлар ишлайди. Улар санат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, коммунал-маиший хизмат соҳаларида фаол қатнашмоқдалар. Одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишяпти.

Жамоамиз ўтган ойлари мобайнида 10 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалиги юклари, 61 миллион нафар йўловчилар ташиб, 1,5 миллиард сўм даромад олишди.

Автомобиллар парки янгиланиб, меҳнат унумдорлиги ортмоқда. Банк кредитларидан «Қарши такси» ҳиссадорлик жамияти 7 та «Дамас», 10 та «Тико», 1 та «Нексия», лизинг шартномалари орқали 4 та «Матиз» сотиб олди. Йўловчиларга қулай шароит яратиш мақсадида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари учун «Отойўл» автобусларини кредит ҳисобига сотиб олиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Косон ва Чирочкидаги ҳиссадорлик жамиятлари янги «Дамас» русумли автомобиллар харид қилдилар.

Автотранспортчилар Шўртангаз кимё мажмуаси, Талимаржон ГРЭСи қурилиши, «Шўртангазнефт», «Муборакнефтгаз» корхоналари бюртмаларини бажариш билан бирга 300 минг тонна дон ва юз минг тонна пахта ни қабул пунктларига ташиб бердилар. Ўзларига бирикитилган автомобилларни моҳирлик билан бошқараётган Тўлқин Чўлиев, Жўракул Мусурмонов, Незмат Каримов, Маҳмадўст Қаландаров, Орзикул Алимардонов, Хайит Холмўминов каби ҳайдовчилар белгиланган режаларни ошириб бажариб келишяпти.

«Косон-21», «Касби-88», «Чирочки-105», «У.Юсупов-134» каби ҳиссадорлик жамиятларида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантиришга жиддий эътибор берилляпти.

Бозор шароитида техникаларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари Анвар Тошқулов раҳбарлик қилаётган «Қашқадарётрансгаз» ишлаб чиқариш корхонасида йўлга қўйилган. Бу ерда ёқилғи ва мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланиляпти.

Н.ТИЛЛАЕВ.



«БОЛАЖОН»НИНГ АҚШДАГИ ХАРИДОРЛАРИ

Чортоқ туманидаги хусусий тадбиркор Сайдullo Абдурахмоновга қарашли «Болажон» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга АҚШнинг Прага компанияси мутахассислари қизиқиб қолди. Мазкур санат шохобчасида асосан кичиктойлар учун сут ва «Болажон» деб номланувчи маҳсулот тайёрланади. Яқиндан бошлаб бу ерда ҳолва ва табиий гуёҳлардан соч шампунини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. «Прага» компанияси вакиллари корхонада бўлиб, болалар учун мўлжалланган маҳсулотлар таркиби билан қизиқиб қолди ва сотиб олиш истагини билдирдилар. Натижада икки томонлама шартнома тузилди.

Хозиргача корхона жамоаси Қирғизистон ва Қозғистон республикалари ҳамда Красноярск ўлкаси билан шу мазмунда шартнома имзолаган эдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қува тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти маъмурияти касабаси уюшмаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларнинг са-



марали ишлашлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитни яратишган. Шу боис бу ерда меҳнат унумдорлиги

ортиб иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Мухими, жаҳон андозалари талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

«ХОРАЗМ-ПАЛАС» МАФТУН ЭТМОҚДА

Хорижлик сайёҳлар ўртасида қадимий Хоразм ва унинг қўна шахарларидан Хивани қўришга иштиёқмандлар кўпайиб, йилдан-йилга воҳага ташриф буюраётганлар сони ортиб бормоқда. Шунинг эътиборига олиб, вилоят ҳокимлиги ўрганч шаҳрида чет элдан келган меҳмонлар талабини қондирадиган замонавий меҳмонхона бунёд этишга киришди. Бунинг учун хорижий ҳамкорлар — «Узелм-хотелз» Ўзбекистон-Германия қўша корхонаси билан шартнома тузилди. Унга қўша шахар марказидаги эски Хоразм меҳмонхонасини таъмирлаш

ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур иншоотни таъмирлаш ишларидан ташқари бу ерга умумий қиймати 6,15 миллион евро миқдоридagi зарур жиҳозлар келтирилди. Янгитдан бунёд бўлаётган меҳмонхонага «Хоразм-Палас» деб ном берилди. Бу ерда хорижлик сайёҳларга юксак савияда хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳмонхона жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланди. Унинг қошида ресторан, машғулот зали, теннис корти, сузиш ҳавзалари мавжуд. Ишби-

лармонлар учун бу ерда интернет тармоғига уланган замонавий компьютер техникаси ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган ойда ишга туширилган меҳмонхонада 16 та янги иш ўринлари очилди. У тўла қувват билан ишлаб бошлагач, қўшимча 86 нафар янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Яқинда Хоразм вилоятида сафарда бўлган республикамизда фаолият юритаётган чет эл дипломатлари ва хорижий ишбилармонлардан 100 нафари «Хоразм-Палас»нинг дастлабки меҳмони бўдилар.

З.ЭРМАТОВ.

«Ишонч» фош этади

кечирилганда яна бир қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Юқхонада 55 турдаги 7 миллион 212 минг сўмлик дори-дармон олиб кетилаётганлиги аниқланди. Уни Тожикистон фуқароси Ражабали Бегматов устама нархларга пуллаш учун

ярим миллион сўмликдан ортиқ ҳужжатсиз озик—овқат маҳсулотлари ва 86 миллион сўмлик бошқа турдаги маҳсулотлар сотувдан тўхтатилди.

Яқинда Амурдор туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Қипчоқ» пантон кўпригида ЛАЗ 23А 72—83 давлат белгилли автомашинани текширувдан ўтказганларида фуқаро Умида Мадаминова ҳисоб фактураси бўлмаган, боҳона тўловлари тўланмаган 4 миллион сўмликдан кўпроқ озик—овқат маҳсулотлари олиб келаётганлиги маълум бўлди. Сохта тадбиркор бу маҳсулотларни яширин йўллар билан сотиш учун Беруний шахрига йўл олган экан. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорини таъминлаш соҳасидаги ҳимоялашга ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш соҳасидаги ҳимоялашнинг тизими ходимларнинг диққат марказида турибди. Ўтказилаётган ҳар бир тадбир солиқ қонунчилигини мустақамлашга, ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилаяпти.

Жасур НОСИРОВ.

ГАЗЕТА — МАЪНАВИЯТ ЧИРОФИ

дейди «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти бошқарувчи раиси Ганижон Ақромов

Ўзининг сифатли қурилиш маҳсулотлари билан шухрат қозонган «Қувасойцемент» корхонаси мустақиллик йилларида янада тараққий этди. Яқинда ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаган корхона маҳсулотлари ички бозоримиз талабини қондириш билан бирга хорижлик ҳамкорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Шу боис унинг экспорт салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва ишчи-ҳодимларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини таъминламоқда. Масалан, бу ерда октябр ойида ўртача ойлик иш ҳақи 75 минг 205 сўмни ташкил қилди.



Корхона маъмурияти ва касабаси уюшмаси кўмитаси меҳнатқашлар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор беришаёттир. Айни кунларда уларга сабзи, картошка, пиёз, олма каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Қувасойлик цементчилар нафақат ишлаб чиқариш ва меҳнатқаш-

айланиб қолган. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока» газеталари каби «Ишонч» ҳам доимий ҳамроҳимиз. Айни пайтда ишчи-ҳодимларимизнинг севимли наشريга айланган. Уларга тўла иштиёқ билан асосида қиғин обуна бўлиняпти.

Дарҳақиқат, келгуси йил учун матбуот нашрларига обунани намунали тарзда олиб бораётган корхона маъмурияти яна бир ибратли ишга қўйилди. Корхона фахрийларидан 20 нафари турли нашрларга, шу жумладан «Ишонч»га корхона ҳисобидан обуна қилинди.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ошхонада шу кунгача назорат қасба машинаси ўрнатилмаган эди. Боз устига унинг ёнида спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконча фаолият юрита-

да, ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, махсус лицензияга эга эмасди. Солиқчилар томонидан ҳужжатсиз 101 шиша акциз маркаси, 27 шиша акциз маркали «Ўзбекистон» ароғи, жами 179 минг сўмлик ноқонуний ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жомбой туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Умид» ҳиссадорлик жамиятида ўтказган текширувда ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди. Корхонанинг солиқ бошлиғи Аслидин Уринбоев ва солиқ бош ҳисобчиси Жамила Қодирова жамоанинг биринчи раҳбари Ҳасан Холмирзаев ва бош ҳисобчи Гулзода Аввалбоева билан жинойий тил бириктириб 170 минг сўмлик пул маблағларини талон—тарож қилишганлиги маъ-

лум бўлди. Бундан ташқари, 700 минг сўмликка яқин мол-мулк балансида кўрсатилмай 800 минг 600 сўм солиқ яшириб қолдирилган. Ушбу ҳолат юзасидан жинойят иши кўзгатилди. Когон шахар «Саховат» ҳиссадорлик жамияти бозори кўздан кечирилганда бу ерда яширин новвойхона фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Сохта тадбиркор Абдувоҳид Рашидов фарзандлари билан Қозғистондан келтирилган ҳужжатсиз ундан нон ёпишни кенг йўлга қўйиб юборган экан.

Текширув ўтказган кун ичида сотувга тахт қилиб қўйилган 300 буханка нон, 144 та нон қолпи, жами 85,6 минг сўмлик хомашё ва ускуналар далилий ашё сифатида олинди.

Урганчдан Бухоро вилояти орқали Денова қатновчи автобус кўздан

Денова олиб кетаётган эди. Дастлабки савол—жавоблардан сўнг Ражабали чамаси ноқонуний иш қилаётганлигини ўзи ҳам билди шекилли, қаёққадир ғойиб бўлди. Дори—дармонлар эгасиз маҳсулот сифатида расмийлаштириб вақтинча сақлаш учун «Бухородори—дармон» корхонасига топширилди. Хозирда вилоят прокуратураси ҳузурда солиққа оид жинойатларга қарши курашиш бошқармаси суриштирув ишлари олиб бормоқда.

Вилоят солиқ тизими ходимлари кейинги ойларида 200 дан ортиқ шундай қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаб тегишли чораларни кўрдилар. Рейд ва текширувлар жараёнида 2 миллион 420,5 минг сўмлик акциз маркаси тамаки маҳсулотлари, 2 миллион сўмга яқин спиртли ичимликлар,

Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма Хоразм вилоят кўмитаси раисининг ўринбосари А.Курбониев, Шовот туман касабаси уюшмаси кўмитаси етакчиси Х.Эшонларни тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг Қадамбой Алланов бошлиқ ижарачилар далаида учратдик.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ИККИ МИЛЛИАРД СЎМ

— Ислохот инсон қалбидан жой олсагина, натижа беради - дейди хўжалик касабаси уюшма кўмитаси раиси Мадмин Жуманиёзов. — У аҳоли ҳаётини фаровон қилиш ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилмоғи керак.

— Иқтисодий ислохотлар биз деҳқонларга ернинг хўжайини ва мулк эгаси бўлиш имконини берди, - дея суҳбатни давом эттирди ижарачи Қадамбой ога. — 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан дон етиштирди. Даромадимиз икки баравар кўпайди. Ҳозирги кунда бўлгуси ҳосилга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз.

Қишлоқда йил ўн икки ой ҳаёт қайнайди. Ана шундай долзарб дилларда хўжалик касабаси уюшма кўмитаси раисини далада учратасиз. Биз касабаси уюшма фаоллари Сафаргул Отажонова, Тозабой Каримов, Қадам Оташов, Юсуф Тожимуродов бошлиқ ижарачилар хузурида бўлиб, деҳқонлар билан суҳбатлашдик.

— Хўжалик бошқаруви билан ҳамкорликда ишни ташкил қилиш ва меҳнатни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор бераймиз, - дейди яна Мадмин ога. — Ижарачиларга эришган натижаларга қараб дон ва мукофот пули берилди.

Ҳа, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси Хоразм вилоят агрорасаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг асосий ишига айланган. Шу боис раёсат йиғилишларида меҳнаткашларни соғломлаштириш, дам олириш, меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, маънавият ва спорт ишларининг амалга оширилиши кўриб чиқилиб, те-

гишли тадбирлар белгиланади.

Икки томонлама тузилган жамоа шартномалари ва битимларининг бажарилиши аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда. 357 та бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, экспертизадан ўтказилди. Ҳар бир ходимни ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланган маблағ 9250 сўмни ташкил этди. Вилоят бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш учун қарийб 2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Хонқа туманидаги «Ўзбекистон», Урганч туманидаги С.Қаландаров номи, Шовотдаги О.Хидиров номи, Беруний номи ширкат хўжаликларида жамоа шартномаларининг ижроси бўйича ўтказилган йиғилишларда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Кўзда тутилган қўшимча имтиёзларни бажариш бўйича «Хонқадон» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида 42 миллион 330 минг сўм маблағ сарфланди. Бу ҳар бир ходимга 110 минг сўмдан тўғри келди демакдир. Бу соҳада «Урганч» ва «Урганчэксковатор» ҳиссадорлик жамиятлари касабаси уюшмалари фаолияти ибратли.

Қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришдан мақсад қишлоқда аввало чинакам мулкдорларни, ерга мулкка ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳақиқий эгаллик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Вилоятда 2001 йилда 3470 та фермер хўжалиги ташкил қилинган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 4716 тага етди. Ҳозирги кунда қишлоқ тадбиркорлари ихтиёрида 54240 гектарга яқин майдон бўлиб, 21 минг нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Хива туманидаги

«Ших Зафар», Янгибозордаги «Омад», Ҳазорасп туманидаги «Жуманазар бобо», «Нилуфар», Хонқадаги «Анвар» фермер хўжаликларида ҳар гектар май-


дондан 50-55 центнердан дон, 35-40 центнердан пахта етиштирилади.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари доимий қўллаб-қувватланмоқда. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан деҳқон-фермер хўжалиқларига 516,7 миллион сўмлик кредитлар берилди. Шунинг 352,6 миллион сўми микрокредитлардир. Янгитдан ташкил топган 104 та деҳқон ва фермер хўжалиқларига бошланғич сармоа учун 78,7 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Уларга минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари ажратилиш, сервис хизмати кўрсатишда ижобий натижаларга эришиляпти.

Меҳнатни муҳофазалаш, техника хавфсизлигини таъминлаш касабаси уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича 69 та корхона ва ташкилотлар текширилиб, камчиликларни тугатиш бўйича 61 та ёзма кўрсатмалар берилди. Касабаси уюшмасига мурожаат қилган кишиларнинг аризалари бўйича 7,7 миллион сўм ойлик маоши, 376 минг сўм болалар нафақалари ундириб берилди. Ишловчилар ҳаётига хавф солувчи 51 та носоз асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, 10 та цех иши тўхтатилди. Меҳнатни муҳофазалаш бўйича қишлоқ тадбирлари амал қилмаган 5 та мансабдор шахс жаримага тортилди.

Бозор инфратузилмаси ва рақобат муҳитини яратиш, ислохотлар жараёнини тезлаштиришда, шу боис тармоқ касабаси уюшма кўмитаси уни одамлар манфаатига хизмат қилдириш учун ўзларининг ташкилотчилик фаолиятларини янада кучайтирмоқдалар.

И.ИСОМИДИНОВ.



Сирдарё вилоятидаги «Оқ-олтиндон» ҳиссадорлик жамиятида сўнгги йилларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан яқинда корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган ун ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш ва уни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида замонавий

технологиялар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, Италиянинг «Умаффи» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Суратда: илгор ишчи Олим АҲМЕДОВ. И.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ПРАГА САММИТИ КИМЛАРНИ ЧОРЛАЯПТИ?

Бугунги НАТО ҳақидаги тасаввурларингиз қандай? Бу саволга кўпчилик дабдурустдан жавоб беролмаслиги мумкин, Сабаби, бугунги НАТО айтилайди, бундан йигирма-ўттиз йил олдинги НАТОдан бутунлай фарқ қилади. Қайси жиҳати билан дерсиз? Шубҳасиз, мақсадмоҳиятига кўра. Олдинги НАТО тузумлар ва гоғлар қарама-қаршилиги даврида, «совуқ уруш» дағдағаси ҳукронлиги пайтида Варшава Шартномаси деб аталувчи ҳарбий-сиёсий блокка қарши турувчи ҳарбий-стратегик куч эди. Бугунги НАТО эса нафақат Европада тинчликни, барқарорликни, хавфсизликни ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган, балки китъадаги ақсарият давлатларнинг эркин демократия ҳамда бозор муносабатлари йўлидан изчил ва қатъиятлик билан боришлари ёрдам берадиган ҳарбий-сиёсий кучдир. Бу куч ҳеч қандай ҳарбий ёки сиёсий блокка, бирорта ташкилотга, давлатга, тузумга қарши қўйилмаган. Аксинча, НАТО Европа Иттифоқи ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Кейинги пайтда НАТОга аъзо бўлишга иштиёқманд давлатлар сони ортиб бораётганлиги боиси шундан. Баъзи давлатлар эса шериклик асосида ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирги НАТОнинг олдинги НАТОдан яна бир фарқи шундаки, унинг аъзолари сони анча ортди ва яна ортиш арафасида. Ҳўш, кимларнинг ҳисобига денг? Илгари унга қарши ҳарбий куч сифатида ташкил этилган Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар ҳисобига. Ҳа, бундан ун йил олдин Чехия, Венгрия, Польша давлатлари НАТОга аъзо бўлишди. Бугун эса Литва, Латвия, Эстония, Болгария, Руминия, Словакия, Словения давлатлари эшик

қоқиб, унга кириш учун тайёр бўлиб туришибди. «Тайёр бўлиб» дейишимизга сабаб шуки, бу давлатлар номзодларга қўйиладиган талабларни бажариб, берилган ваъдалардан умидвор бўлиб туришибди. Эҳтимол уларнинг тақдирини шу йил 21-ноябрь кунини Прагада ўз иштини бошлайдиган саммитда ҳал қилинар. АҚШ ва Европадаги етакчи давлатлар расмий доираларининг оммавий ахборот воситаларига бераётган интервюларига қараганда, агар охириги дамларда бирорта қутилмаган ҳолат юз бермаса, бу давлатлар НАТО аъзолигига қабул қилиниши аниқ.

«Сиёсий қарор қабул қилинган» деди Польша ташқи ишлар вазири Владзимеж Чимошевич «Вашингтон пост» газетасида берилган интервьюсида. Ҳозир НАТОга аъзо давлатлар сони 19 та. Агар яна еттига номзод қабул қилинса, демак, жами 26 тага етади. Яқинда Грузия ҳам унга кириш учун расмий ариза бермоқчи эканлигини маълум қилди. Бундай давлатлар яна бор. Бироқ бундан кейин НАТО аъзолари сафини яна кенгайтириш зарури-йўқми? Артидан, Прагадаги саммитда ана шу масала ҳам атрафда муҳокама қилиниб аниқ бир қарорга келинадиган кўринади.

НАТОнинг бу даражада кенгайтириш ва мавқеи ошиб бораётганлиги, аввало, АҚШ ҳамда Фарбий Европа мамлакатларига яратилган тарихий имкониятни кўрсатди. Чунки ана шу мамлакатларнинг миллион-миллион фуқаролари «совуқ уруш» азобидан жабрланишди. Қарама-қаршилик ва ишончсизлик улар учун қимматга тушди. Аслида собиқ СССР таъсирида бўлган Шарқий Европа мамлакатларининг миллион-миллион фуқаролари ҳам шундай аҳволда эдилар. Собиқ СССР томонидан куч билан

сунъий равишда ушлаб турилган Варшава Шартномасининг тугаб кетиши эса улар учун қулай имконият яратди. Бугун НАТО бир-бирларига бағриларини очган Фарбий Европа ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари ва халқлари учун ягона уй бўлиб қолиши мумкин. Демак, улар бу тарихий имкониятдан фойдаланиб, бошланган ишнинг давом эттиришлари зарур. Шундагина улар ўзлари шиор ташлаганидек, Европани умумий уйга айлантира олишлари НАТО бу уйнинг тинчлигини, барқарорлигини, аҳиллигини ва илиқлигини таъминлайдиган кучга айланса ажаб эмас.

Бироқ жаҳон матбуотида босилаётган шарҳларда, сиёсатчилар, ҳарбийлар ҳамда кузатувчиларнинг фикрларида НАТОнинг бугунги ўрни ва аҳамияти ҳақида талқинлар кўп. Уларнинг айримларини умумлаштириб, бу борада маълум бир хулосалар чиқариш мумкин. НАТОнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб борар экан, қалтис вазиятларда, умуман зарур бўлиб қолганда НАТОнинг ҳарбий имкониятларидан тинчликни таъминловчи хозиржаво ва тажрибали куч сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Жумладан, Босния, Македония, Косовода бундай вазиятлар бир неча марта юз берди. Албатта, ҳар қандай вазиятда ҳам Европа Иттифоқининг қарори зарур. Катта ҳарбий куч талаб қилинадиган урушлар, низолар ва можароларни бартараф этишда бошқа давлатларнинг ҳарбийлари билан биргаликда ҳаракат қилишда, умуман, АҚШнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари билан бирга жанг қилишда НАТО зиммасига катта масъулият тушиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ёки, ха-

лқаро терроризмининг хуружларини олайлик. Сўзсиз, НАТО бундан четда туриши мумкин эмас. НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон халқаро терроризмга қарши курашда бу ташкилотнинг иштирокини кучайтириш тақлифини илгари сурди.

Прагадаги саммитга қизиқиш катта. Унда НАТОнинг тўлақонли аъзолари ҳамда аъзоликка номзодлари кўрсатилган давлатлардан ташқари НАТО билан яқин алоқа ўрнатган ва шериклик асосида ҳамкорлик қиладиган ҳамда бу ташкилотга хайрихоҳ бўлган, унинг иқтисодда эркин бозор муносабатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин демократия йўлини танлаган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдамни ҳис қилган давлатларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Жумладан, НАТОнинг Прагадаги саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этади. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва Ҳамкорлик Шартномаси мавжудлиги, тўғриси, бу ташрифга алоҳида салмоқ ва саноқият бағишлайди. Чунки, Европа Иттифоқининг НАТОга таъсир кучи катта. Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари Европа Иттифоқи раҳбариятига яқин маълум. Умуман, икки ўртадаги ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ҳам манфаат келтирмоқда.

Тўғриси, мен Прагадаги саммит муносабати билан унда иштирок этиш ниятида бўлган баъзи давлатлар ва уларнинг раҳбарлари кутилмаганда дуч келган ноҳуш вазиятларни кўриб, чуқур мулоҳаза-мушоҳадалардан кейин ўзбекистоннинг халқаро микёсда обрў-эътибори баланд ва ташқи сиёсатда танлаган йўли тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.

ҚАРЗДОРЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Қизилтепа туманидаги «Қуйимозор» ширкат хўжалигида ишловчиларни ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган давр ичида кам таъминланган оилаларга 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, яқинда 6 нафар қария хўжалик ҳисобидан Когондаги кардиология бўлимида даволаниб қайтди.

Шуниси эътиборлики, хўжаликда ишловчилардан қарздорлик бундан икки йил илгари 34 миллион сўмни ташкил этган эди. Хўжалик Мазмурияти ва касабаси уюшма кўмитасининг саъй-ҳаракати билан шу йилнинг олти ойи якуни билан қарздорликка батамом барҳам берилди. Бошқача айтганда, жамоа қарзлардан қутилиб, 4 миллион соғ даромад олди.

Хўжаликда инфратузилмани ривожлантириш, маданий-маиший тадбирларни амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Қуйимозор қишлоғига газ қувури тортишга 4 миллион сўм сарфланди. Шу йил ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти ободонлаштирилди. Қишлоқдаги мактабни таъмирлашга ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар олиб берилди.

Бундай хайрли ишлар «эн Шайх Шоди», «Мадад», «Ҳаққул бобо», «Ҳожи Райим» фермер хўжаликлари ҳам четда қолмаёттирлар.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Маҳалла кўмиталари ва ички ишлар бўлимларининг маълумотлар жойланмасида «Нотинч оилалар» деган термин бор. Илгари сўзлашувда бўлмаган бу жумла қаердан юзга келди?

Ота-она ўртасидаги оилавий можаролар кўп такрорланиб турган хонадонлардан файзу барака кетади. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, жигаргўшаши тарбияси билан шуғулланмаган ота-она айби билан фарзанд нопок ишларга қўл уради, кўча-кўйларда санқиб юради, эгри йўларга кириб кетади.

Самарқанд туманида ўтган йили икки ўсмир жонига қасд қилди. Уларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилганда оиласи бесаранжом эканлиги аниқланди.

«Саёқ юрган таёқ ейди», деб бежиз айтаётганлар. Туманда вояга етмаганлар томонидан қирқдан ортиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати, тўртта жиноят содир этилди. Ўғил-қизлари тарбиясига эътибор бермаган 14 нафардан зиёд ота-она ички ишлар бўлими назорати-

га олинди.

Носоғлом муҳит, кун аро бўладиган уруш-жанжаллар ёшлар тарбия-

сига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ноҳуш ҳолатларни бартараф этишда, шубҳасиз жойлардаги фуқаролар йиғинлари, маҳалла кўмиталари, фаоллар, яраштириш комиссиялари, педагогик жамоалар, касабаси уюшмалари, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта.

Самарқанд вилояти ички ишлар бўлимидан хабар қилишларича, Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги

қароридан сўнг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган тарбиявий тадбирлар кўлами кенгайди, самарадорлиги ортди.

Барча шаҳар ва ту-

гавжум. Кутубхоналар, маънавий-маърифий масканлар ташкил қилинди, милиция таянч пунктлари очилди. Ҳуқуқ тартибот ходимлари илм даргоҳларида бориб, ҳуқуқий саводхонлики

ошириш, амалдаги қонунларнинг ижроси асосидан машғулотлар ўтказаяпти.

— Президентимизнинг бошланғич таълим жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ташкил тарбиявий аҳамиятга эга, - дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия котиби В.Рофиев. — Фармон асосида вилоятда жимсоний тарбия ва спортни ривожлантириш дастури тузилди.

Қадимий ва ҳамиша навиқрон Самарқандда ёшлар тарбиясини яхшилашга қаратилган ибратли ишлар кўп. Ҳар ойнинг биринчи шанба-

Оғриқ нуқталар

«Вояга етмаганлар кунини» деб эълон қилинган. Унда ўсмирлар билан учрашувлар, мулоқотлар, ҳар ой оммавий маданий тадбирлар уюштирилади. Ҳокимликлар, прокуратура,

муносабати билан яна бир қатор спорт мажмуалари қад қўради. Айни пайтда 300 мингдан ортиқ ўсмирлар спорт секциялари ва тўғрақларда қатнашмоқда.

Вилоят марказида «Афсона» болалар дам олиш масканининг ишга туширилиши, «Камолот» ёшлар маркази ва «Сўғдиёна» спорт мажмуаси фаолиятида туб бурилиш қилинганлиги ўғил-қизларга бўш вақтларини кўнглидагидек ўтказиш имконини берапти.


Ёшлар доимий ижтимоий ҳимояда. Шаҳардаги «Тонг» савдо ишлаб-чиқариш фирмаси ёрдами билан 1 миллион 700 минг сўмга 13 нафар вояга етмаган биринчи гуруҳ ноғиронларига аравачалар олиб берилди. Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида уч юздан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

ЎЛКИН

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан

ОММАБОП РИСОЛАЛАР

Иккинчи чакирик Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократиялаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, жумладан, Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарор лойиҳалари тайёрланганидан илмий ва ташкилий марказга айланиши лозимлигини таъкидлаган эди.



Институт профессор-ўқитувчилари Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, халқаро андозаларга жавоб бера оладиган, замон руҳига мос дарсликлар яратиш борасида жиддий изланишлар олиб борапти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан Бош қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмун ва моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтиришга қаратилган илмий-оммабоп рисоалар туркуми яратилди.

Мазкур рисоалар институт жамоасининг Бош қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмун ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш, шунинг-

дек, Конституцияни тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида амалга ошираётган хайрли ишларидан саналади.

«Президентлик институти», «Фуқароликнинг конституциявий асослари», «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Инсон ва унинг ҳуқуқлари - энг олий қадрият», «Халқ ҳокимиятчилиги», «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари», «Конституция ва оила», «Жамоат бирлашмалари», «Прокуратура», «Оммавий ахборот воситалари» деб номланган ҳамда Бош қонунимизнинг ҳар бир боби кенг шарҳланган рисоалар нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг китобхона оmmasига ҳам мўлжалланган.

Беҳзод НОРБОВ, ЎЗА муҳбири

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда кенг жорий этилаётган, жаҳонда «Ўзбек модели» деган эътирофга сазовор бўлган таълим ислохотлари бугун ўзининг натижасини бермоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаётган янгича таълим муассасалари - академик лицей ва касб-хунар коллежлари бунинг оддий далилидир. Тошкент давлат иқтисодий университетининг Чилонзор академик лицейини истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган ана шу янги турдаги илк қалдирғоч билим даргоҳларидан дейиш мумкин. Бу йил мазкур лицей фаолият бошлаганига ўн йил тўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилганидек, ушбу академик лицей ёшларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг чуқур, ихтисослаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда. Бу ерда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича билимларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга.

Юртимизда илк бор ташкил этилган академик лицей айнан иқтисодий йўналишда экани бежиз эмас. Олти юз нафардан зиёд йигит-қиз таълим олаётган лицей умумий таълимнинг маз-

мунан янги жиҳатларини ўқув жараёнига жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу даргоҳда чуқурлаштирилган фанлар - математика, ҳожирий тиллар ва махсус фанлар, жумладан, «Иқтисодий билим асослари», «Маркетинг» каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шу билан бирга, Президент Ислам Каримов асарларини, «Менежмент асослари», «Оила психологияси», «Педагогика» каби фанлар ҳам талабаларга муқаммал ўргатилмоқда. Айтиш жоизки, «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт», «Бухгалтерия ҳисоби», «Иқти-

ЧИЛОНЗОР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

содий таълим тизими» каби махсус фанлар умумий таълим муассасалари орасида фақат мазкур лицейда ўқитилади.

Лицейда Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхона, кафедра тажрибахоналари, соғлиқни сақлаш ва спорт мажмуаларидан фойдаланиш борасида кенг имконият mavjud. Энг муҳими - лицей та-

моқда. Улар орасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россиянинг нуфузли олий ўқув юрларида илм олишни давом эттираётган йигит-қизлар ҳам кўп.

Лицей талабалари ютуқлари билан яқиндан танишар эканмиз, юртимиз аслида ҳам ёш истеъодлар Ватани эканига яна бир бор амин бўлдик. Лицейнинг кўплаб талабалари ўрта махсус, касб-хунар

бу йил 19 ёшида магистрик илмий даражасига эга бўлди! У Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига кириб, республикаимизнинг энг ёш талабаси сифатида тан олинган эди. Зиёдулла Мирзамўйинов эса Жанубий Кореяда ўтган ёшлар ўртасидаги тазквондо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Талаба Феруза Файзиева номига БМТ Бош қотиби Кофи Аннан номидан миннатдорлик мактуби келган кун эса лицейда чинакам байрамга айланиб кетди. Феруза ушбу бооброў ташкилотнинг пойтахти миздаги Ахборотлар марказида ташкил этилган викторина ғолиби деб топилган эди.

Таълим жараёнини тақомиллаштиришда АК-СЕЛС, АҚШнинг Тинчлик корпуси каби халқаро ташкилотлар билан узвий алоқлар яхши йўлга қўйилган. Буюк Британияда, Америка Қўшма Штатлари, Россиядаги бир қанча коллежлар ва махсус мактаблар билан олиб борилаётган самарали ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Академик лицейнинг ўн йиллиги арафасида ўқувчилар учун ўзига хос туҳфа хозирланмоқда. Бу ўқув даргоҳининг тез орада ёшларни ўз бағрига оладиган янги муҳташам биносидир. Янги бино фойдаланишга топширилган, унда тўққиз юздан зиёд ёш билим олиш имконига эга бўлади. Унда муҳташам аудиториялар, компьютер хоналари, заллар, эллик минг китоб захирасига эга кутубхона билан бирга ёпиқ ва очик спорт майдонлари ҳам mavjud. Буларнинг барчаси Ватанимиз истиқлолга эришгани туйғули кўлга киритилган имкониятлардир!


Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири



балаблари олий ўқув юрти муҳитига мунтазам кўники боради. Ўқишни тамомлаган талабаларнинг деярли барчаси мамлакатимизнинг иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртиларига қабул қилин-

таълими тизимининг «Баркамол авлод» республика спорт йўналиши, фанлар бўйича олимпиадаларда ғолиб бўлган.

Мазкур ўқув-даргоҳини ўн икки ёшида (!) тамомлаган Муроджон Шарипов



ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳалар-2002» халқаро кўрғазмаси очилди. БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуман мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларни атрофлича таҳлил қилиш, амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларни тақомиллаштиришга кўмаклашишни мақсад қилган.

Тадбир давомида махсус конференция ўтказилиб, унда иштирокчилар тажриба алмашиш, ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларга қарши кураш масалала-

ИНВЕТОРЛАР УЧУН ТЕНДЕР

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Тошкент ГРЭСини замонавийлаштириш юзасидан 221 миллион доллар қийматидаги лойиҳа бўйича 2003 йилда тендер эълон қилади.

«Ўзбекэнерго» ДАК-дан маълум қилишларича, тендерни келаси йилнинг март-апрел ойларида эълон қилиш кўзда тутилмоқда. Тошкент ГРЭСини замонавийлаштириш эса 2003 йилнинг иккинчи ярмида бошланади.

Хозирги пайтда танлов асосида сайлаб олинган Япониянинг ТЕРСКО консалтинг компанияси тендер ҳужжатларини тайёрлашга киришди.

Лойиҳа Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC)нинг 24,955 миллиард йен ҳажмидаги кредити ва «Ўзбекэнерго» ДАКнинг миллий валютадаги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

(ЎЗА), «Туркистон-пресс» ва «Ишонч» муҳбирлари

МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ТЎЛАШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: билишмича, меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлаш бўйича янги ҳужжат қабул қилинбди. Ушбу ҳужжат асосида кимларга иш ҳақининг қанча миқдорида нафақа тўланиши ва қайси ҳолатларда нафақа тўланмаслиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Г.ҒОЗИЕВА, Бекобод тумани.

ЖАВОБ: ҳа, Ўзбекистон Молия, Соғлиқни сақлаш Вазирликлари, Марказий банк ва Давлат Солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди. Низом 2002 йил 8 майда Адлия вазирлигининг 1136-сон рўйхатидан ўтказилган. Бу Низомга асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги ҳолларда берилади:

- а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда;
б) санаторий-курортларда даволанганда, агар асосий ва кўшимча таътил ходимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаса;
в) касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
г) карантин вақтида;
д) сил ёки касб касаллиги туйғули вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
е) меҳнат қобилиятини тиклаш ёки организмнинг сунъий аъзосини (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касалик варақаси) асос бўлади. Бу нафақа иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида куйидагиларга тўланади:

- Ишлаётган II жаҳон уруши қатнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ва ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;
- Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;
- Чернобил АЭС ҳалокати натижасида ра-

диоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (оденома, рак) ва ҳавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга. Низомда нафақанинг миқдори ходимнинг умумий иш стажига қараб белгиланиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкологик касалликлар, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтайдиган касалликлар, СПИД,

ходимларга - иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди. Низомнинг 4-бандига асосан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинган (МКнинг 67-моддаси) кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади. Бу куйидагилар:

- а) Ўзбекистон Куролли кучлари сафидаги муддатли хизматдан бўшатилгандан сўнг бир ой ичида касал бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга - республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди;
б) бошқа ҳолларда - иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадали тўланган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажини 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга - иш ҳақининг 100 фоиз миқдориди;
б) умумий иш стажини 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 80 фоиз миқдориди;
в) умумий иш стажини 5 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60 фоиз миқдориди.

Юқориди кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:


- а) умумий иш стажини 8 йил бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сагир) етимларга - иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;
б) умумий иш стажини 8 йилгача бўлган

Нафақалар ходимнинг иш жойидан қорхонанинг Ижтимоий сугурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия бўлмаган қорхонада нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Агар ходим вакил қилинган ижтимоий сугурта комиссияси аъзоси томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, у бу масалада туман ва шаҳар солиқ органларига ва ижтимоий таъминот бўлимига шикоят қилиши мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ходим нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ва белгилаш ҳамда тўлаш масалаларида норози бўлса туман, шаҳар судига ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.





Наманган хунармандлари

И. ХАСАНОВ олган суратлар.



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури—амалда

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида иш олиб бораётган Беруний туман халқ таълими бўлими мактабларнинг ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришяпти.

Хасан ва Ўқтам Нуриимбетов, Рустам Янгйобеовлардан ташкил топган жамоа мамлакат миқёсида ўтказилган «Варрактар» мусобақасида, экология марказининг иштирокчиси Зарифа Аллаёрова «Сув ва бола» йўна-

«Биз сени куйлаймиз, эй азиз Ватан», «Тежамкорлик—катта бойлик», «Фарзанд тарбияси» мавзусида ўқитувчилардан Д. Бекниёзова, О. Ешимбетов, А. Алломов, Ш. Сабриддинова, Т. Ускиноваларнинг тажрибалари республика мактабларида оммалаштирилди ва қўлланма килиб чиқарилди.

—Педагог ходимларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида амалий ишлар қилинмоқда, — дейди халқ таълими бўлими мудири, — 289 нафар ўқитувчининг шахар транспортининг текин юриши учун бюджет маблағларидан 5.2 миллион сўм ажратилди. 1400 нафар ходим табиий газдан имтиёзли фойдаланяпти ва бунга 20 миллион сўм сарфланди. 2440 нафар ходимнинг электр энергиясидан текин фойдаланиши учун 22 миллион 321 минг сўм маблағ ажратилди. Оталик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Тумандаги «Агроқурилиш», «Берунийтутуни», «Берунийгаз» каби ҳолий ташкилотлар томонидан мактабларни таъмирлаш учун 10 миллион сўм ажратилган бўлса, бюджетдан ташқари топилган маблағ 12 миллион сўмни ташкил этди. Қўрилаётган тадбирлар халқ таълими тизимини ривожлантириш ва ёш авлоднинг билими, ватанга, истиқлол голярига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

МАКТАБ УЧУН КОМПЬЮТЕРЛАР

Оролбўйининг жанурий минтақасида жойлашган туманда 70 та умумтаълим маскани, 13 та мактабдан ташқари муассасалар, 52 та болалар боғчалари фаолият кўрсатаёпти. Ўқув даргоҳларида 3.5 мингга яқин педагог ёш авлод тарбияси йўлида билим ва тажрибасини аямаяпти.

—Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони юзасидан ҳукумат қарори ва мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлоднинг камол топтириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Э. Хасанов. — Ушбу қарор асосида болалар спортини ривожлантириш дастурини ишлаб чиққанмиз.

Айни пайтда 1 та марказий ўйингоҳ, 59 та футбол, 12 та мини футбол, 64 та волейбол, 36 та баскетбол,

20 та гандбол майдончалари, 59 та югуриш йўлаги, 42 та спорт зали ўқувчи ёшлар ихтиёрида.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида 38—ўрта мактабнинг волейболчи қизлари Оролбўйи голиблигини қўлга киритдилар. 2001 йилда ўтказилган «Кувоқ» турнирида беллашувида эса 66—мактаб жамоаси мамлакат, 2002 йилда 64—мактаб ёшлари Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони бўлишди.

Йигит—қизларнинг спортга қизиқишлари катта. 14—мактабнинг 8—синф ўқувчиси Гулсара Йўлдошева 100 метр масофага югуриш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллади.

Болаларни фойдали меҳнатга йўналтириш ва иқтидорини ўстиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Илм масканларида ва мактабдан ташқари муассасаларда 1900 дан ортиқ тўғарақлар ишлаб турибди. Уларда 24 минг ўқувчи шуғулланаяпти. Техника ижодиёти марказининг қатнашчилари ўткир Жуманиёзов,

лишида «Иқтидорли болалар» слётинда фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдилар. «Япония менинг тасавурида» тасвирий санъат кўргазмасида 1-ўқувчилар уйи ёш рассомлар тўғараги қатнашчиси Талғат Жумаев чизган суратлар совринли ўринга муносиб топилди.

Мактаблар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. 27—мактабга 11 миллион сўмлик, 1—ўрта мактабга 13 миллион сўмлик компьютерлар олиб берилди ва Давлат тест марказига уланди. Халқаро «Акселс» жамғармаси ўтказган танловда 69—мактаб муаллими Эркиний Ҳайитбоева фаол қатнашиб, ўқув адабиётлари ва компьютер билан муқофотланди.

Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол гоёси ва Маънавият асослари курсларини ўқитадиган педагоглар Давлат таълим стандартлари ўқув дастури бўйича қайта тайёрликдан ўтказилди. «Хумо ҳурлигимиз рамзи», «Юрт тинчлиги муқаддас»,

ни эса қонфуция ва даоцизм динларига мансуб бўлиб, улар учун мамлакатда 500 га яқин ибодатхоналар қурилган. Энг биринчи будда ибодатхона-

си ҳисобланади. Умумий аҳолининг 20 фоизини ташкил этувчи малайлар ислом динининг сунна мазабига мансуб. Мамлакатнинг ҳар бир ту-

ганлар. Тамиллар хитой, малай ёхуд бошқа этник гуруҳлар билан аралашиб эмас, балки алоҳида яшайдилар. Хитой, тамил, малайлар-

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

* Ёш ҳар қанча бўлсин ишда ғайратли, Кўп кўрган кексанинг иши ибратли. Хусрав ДЕХЛАВИЙ.

* Димоғ чоғлик, тан сиҳатлик бўлса бас, Шу иккиси бахту иқбол ҳам ҳавас. Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

* Яхши хулқ энг яхши нарса дунёда, Халқ севар барчадан шуни зиёда. Фаридиддин АТТОР.

* Дилинг ҳушёр бўлса, кўзинг мукамал, Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзиндан уял. Абдурахмон ЖОМИЙ.

ОРКЕСТР КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ўзининг янги ижодий мавсуми давомида қатор йирик саналарга бағишланган концертларни ҳам намойиш қилади. Машҳур немис композитори Людвиг ван Бетховен таваллудининг 175 йиллиги муносабати билан ташкил этилган томоша ҳам кўплаб муосиқа тингловчиларига завқ-шавқ бағишлади.

Ушбу муосиқа дастурдан композиторнинг «Еттинчи лямажор симфонияси» ҳамда скрипка билан ижро этиладиган «Ре мажор концерти» ҳам ўрин олди.

Бу наодир муосикаларни ижро этиш учун оркестр жиддий тайёргарлик кўрди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев дирижёрлигида янграган бу асарларнинг концертларидаги энг яхши муосикалар сифатида тез-тез ижро этиладиган бўлди.

А. АЛИЕВ.

Тадбир

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Фарғона вилоят қўмитаси Қарияларни кадрлаш йили ҳамда Халқаро талабалар кўни муносабати билан вилоятдаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган бир гуруҳ ёшлар иштирокида тарихий обидаларга бир кунлик саёҳат уюштирди.

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

— Ватан остонадан бошланади, деган гап бор, — дейди қўмита раиси Дилшоджон Файзиматов. — Фарғона Давлат университети, Политехника ва Қўқон Давлат педагогика институтларидан тақлиф қилинган бир гуруҳ иқтидорли талабаларимиз вилоятимиз ҳудудидаги тарихий обидалар билан яқиндан танишиш жараёнида муосиқа фестивалининг шонли тарихидан янада чуқурроқ воқиф бўлдилар.

Қўқон-Фарғона-Қува ҳамда Фарғона-Риштон-Қўқон йўналишлари бўйлаб саёҳатга чиққан талабалар Қўқон шаҳри ҳамда Қува ва Риштон туманларидаги тарихий обидаларни зиёрат қилишди. Айниқса, та-

лабаларнинг вилоят марказида буюк аллома Ал-Фарғоний ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиши, ўлкашунослик музейи ва яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган «Ёшлар хиёбони»га ташрифи чинакам байрам тусини олди. Бир пиёла чой атрофида дилдан гурунглари бўлди. Дилтортар куй-қўшиқлар янгради. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари билан ўтказилган учрашувлар талабаларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур тадбир талабалар билан қасаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

М. СОБИТОВ.

Футбол ОВРУПО ТОМОНЛАРДА НИМА ГАП?

Миллионлар ўйини ҳисобланган футбол ўзининг мафтункорлиги билан спорт турлари орасида биринчи ўринда туриши сир эмас. Яна икки турдан сўнг мамлакатимиз футбол биринчилиги ўз ниҳоясига етади. Осий чемпионлар лигаси баҳсларида иштирок этаётган «Пахтакор» ва «Нефчи» жамоаларининг жаовб учрашувларидан сўнг, то баҳорга қадар ушбу турнирда ҳам вақтинчалик танлафуқ эълон қилинади. Демак, шубҳасиз футбол мухлисларининг нигоҳи Оврупо майдонларига қаратилади. Зотан, ўзбек футбол мухлислари ҳам «кўхна қитъа» футбол ўйинларини мириқиб томоша қилишди.

Ҳамюртимиз Максим Шаққий ўйнаётган Динамо (Киев) жамоаси энди УЕФА кубоги баҳсларида қурашнинг давом эттиради. Киевликлар биринчи учрашуви 28 ноябр кўни сафарда Туркиянинг «Бешикташ» жамоасига қарши ўтказди. Жаовб ўйини эса 18 декабрда бўлиб ўтади. Айтганча, ўтган ҳафтада Оврупо чемпионлар лигасининг навбатдаги гуруҳ баҳсларига қўрва ташланди: Унга қўра «А» гуруҳидан Интер (Италия), Байер (Германия), Барселона (Олмония), Ньюкасл (Англия), «В» гуруҳидан Аякс (Голландия), Рома (Италия), Арсенал (Англия), Валенсия (Испания), «С» гуруҳидан Боруссия (Олмония), Милан (Италия), Реал (Испания), Локомотив (Россия), «Д» гуруҳидан Ювентус (Италия), Базель (Швейцария), Манчестр Юнайтед (Англия), Депортиво (Испания) жой олдилар.

Гуруҳ ўйинлари 2002 йилнинг 26 ноябрда бошланди, 2003 йилнинг 18 мартига қадар давом этади.

А. ЮНУСОВ.

НАМУНАЛИ ОРОМГОҲ

«Бухоретекс» АЖ жамоаси санатория-профилакториясида ўтган йили 1200 дан зиёд одам дам олиб, ўз соғлиқларини тиклаган эди. Жорий йилнинг октябр ойига эса акциядорлик жамиятида ишловчи 800 нафардан зиёд меҳнаткашлар бу ерда дам олишди.

Уч қаватли оромгоҳ биносининг биринчи қавати даволаш ва муолажа учун ажратилган. Сауна, даволаш ванналари ва фитобар ҳам биринчи қаватда.

Оромгоҳга йўлланма муддати 18 кун, — деди санатория бош врачси Шариф Набиев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унинг нархи 26141 сўмни ташкил этади. Ходимларимиз ушбу маблағнинг 15 фоизини, яъни 3921 сўмни тўлайди. Корхона ҳам айни шу миқдордаги маблағни қўшимча қилади. Йўлланма нархининг қолган қисми қасаба уюшмаси орқали тўланади.

Жаҳонда мамлакатлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Масалан, жануби-шарқий Осиёнинг денгиз йўлида жойлашган Сингапур орол-давлатида кўпда учрамайдиган этник хилма-хиллик ва турли урф-одатлар кўзга ташланади. Агар мамлакат тарихида назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср бошида оролда фақат кичик бир балиқчилик қишлоғи бўлганлиги, унда 120 нафарга яқин малайлар ҳамда 30 нафарга яқин хитойликлар яшаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шуниси қизиқки, мамлакатда яқин-яқингача умумлашган ягона-тил мавжуд эмас эди. Хусусан, хитойликлар жануби-шарқий Хитойда тарқалган беш хилдан иборат лаҳжада гаплашганлар. Айни пайтда эса Сингапурдаги хитойликларнинг 80 фоизи инглиз

тилади муомала қилишга ўтган. Бу ҳолга аҳолини турли миллат ва эллар ташкил этиши, уларнинг ҳар хил динларга мансублиги сабабдир. Чунончи,

СИНГАПУР: ТУРЛИ МИЛЛАТ, ТУРФА ОДАТ

ҳозирги пайтда бу ердаги хитойликларнинг яримдан кўпи будда динига, қолга-

си эса 1821 йилда бунёд этилган Тянь-Хок-Кенг — Осмон бахти ибодатхона-

манида масжид бўлиб, уларни ҳукумат томонидан тайинланган қозилар бошқаради. Таажжубланарлиси, малайларнинг ўзлари масжидларга кам қатнайдилар. Озиликни ташкил этувчи араб ва хиндлар ҳам Ислам динидадилар. Бундан ташқари, Сингапурда христианлик ҳамда хиндуизм ҳам кенг тарқалган динлар сирасига кирди. Мамлакат аҳолисининг 10 фоизи бўлган хиндларнинг асосий қисми Хиндистон жанубидаги тамиллардан иборат бўлиб, улар бу ерга XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчиб кел-

дан ташқари мамлакатда таи, корейс, араб, яҳудий, инглиз, бирма ва непалликлар, филиппин ва индонезияликлар ҳам истикомат қилишди. Мамлакат конституциясига мувофиқ бутун аҳоли этник ва диний келиб чиқишидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эга. Сингапур дунёвий мамлакат бўлишига қарама-қарши турли диний байрамлар умуммиллий байрам саналади. Диний жамоаларни бирлаштириш мақсадида 1947 йилдан буюн Динлараро ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда. Ташкилот бошқаруви



ISHONCH

Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.25

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.